

СОҲИР РЕАЛИЗМ - ИЖОДИЙ УСЛУБ СИФАТИДА

Мансурова Нодира Бобожоновна

Ўзбек тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси

Навоий давлат педагогика институти

nodiramansurova1977@gmail.com

Аннотация: Уибуба мақолада жаҳон адабиётини ослигида магик реализм унсурларининг пайдо бўлиши, тараққиёти, шаклланиши каби масалалар ёритиб берилган.

Annotation: This article discusses such issues as the emergence, development, formation elements of magical realism in the world literature.

Калит сўзлар: Магик реализм, экспрессионизм, тасвирий санъат, герменевтика, психоанализ, структурализм.

Keywords: Magic realism, expressionism, fine arts, hermeneutics, psychoanalysis, structuralism.

XX аср турли адабий оқимлар, ижодий услублар, тасвир усуллари, бадиий идрок тарзининг беҳад хилма-хиллиги, санъатнинг турли шакллари ўртасидаги алоқадорлик ва бир-бирига таъсирнинг кучлилиги билан жаҳон адабиёти ва санъати тарихида алоҳида бир босқич бўлди. Магик реализм ҳам яккам-дуккам унсур ҳолатидан яхлит бир система сифатида шаклланган воқелик ўлароқ айнан шу шиддатли асрнинг маҳсулидир.

Жаҳон адабиётини ослигида магик реализм сеҳр-жоду унсурларини реал ҳаёт манзаралари билан қоришиқ тасвиirlашдан иборат ижодий метод сифатида этироф этилган. Мазкур атама биринчи марта немис мунаққиди Франц Рох томонидан тасвирий санъат соҳасида истифода этилган. Атоқли санъатшунос 1925 йилда авангардизм йўналишининг бир групка рассомларини “магик реалистлар” дея тавсифлади. Бу мусаввирлар дунёни бошқача нигоҳда кўриб, уни бошқача идрок эта бошлаган эдиларки, уларнинг тасвир объектида турган ҳаёт борлиқ реаллигига тўла мувофиқ келмасди. Бу немис рассомчилигидаги постэкспрессионизм оқими эди.

Ўтган юз йилликнинг турли ижтимоий-сиёсий талатўпларга, эврилишларга бой бўлгани сир эмас. Ижодкорга жамият ҳақидаги бор ҳақиқатни тўкиб солиш тақиқланган ёки чеклаб қўйилган ана шундай шароитда реализм йўналишининг бир тўлқини саналмиш магик реализм майдонга келди. Бугунги кунда умумэстетик тушунчага айланган мазкур ҳодиса илк бор айнан шу ном билан немис танқидчиси Франс Рох (1890-1965) томонидан тилга олинди. Атоқли санъатшунос 1925 йилда авангард йўналишидаги бир групка ёш рассомларни “магик реалистлар” дея

таърифлади¹. Чунки бу мусавирлар ижодидаги асосий тасвир обьекти ўзгараётган реаллик эди. Хьюстон университети тадқиқотчиси, доктор Лоис Паркинсон Саморанинг ёзишича, “Роҳ ўзининг ўша машхур эссесида ҳозир биз постэкспрессионистлар категориясига тақайдиган мусавирлар гурухини кўзда тутган эди”².

Тасвирий санъат доирасидаги соҳир реализм постэкспрессионизм билан тез-тез ўрин алмашиб, ўзаро маънодош ўлароқ қўлланувчи истилоҳ эканлиги ҳам бежиз эмас. Бу ҳақда Аризона университети профессор Альберто Риос ҳам тўхталган³.

Роҳ соҳир реализм намуналари дея экспрессионизмнинг ғайриоддий таассуротлардан сўнг реализмга қайтишга ишора берувчи, обьектлар дизайнини шу обьектлар руҳини очиш учун ўзгартиришга тиришувчи тасвирий санъат асарларини назарда тутган. Унинг қараши бўйича мўъжизакор реализмда обьектнинг ташқи қиёфасини ҳаққоний, тўғри тасвирланади ва шу тариқа обьектнинг руҳи ёки сехри кашф этилади. Ушбу ташқи сехрни нақ XV асрга этиб боғлаш мумкин эди. Атоқли фламанд мусаввири Ван Эйк (1395-1441) орқа планга ўтиб кетган узлуксиз ва кўринмас сарҳадларнинг иллюзияларини яратиш орқали табиий ландшафтларнинг муракаблигига ургу берган. Шунингдек, у томошабинда тасвирдаги, масалан, теварагидан дарё оқиб ўтувчи адирлик манзарасидаги айни ўша оралиқ жойларни тўлдиргандек таассурот қолдиради⁴. Сехр, магия томошабиннинг суратдаги кўзга кўринмас шу сирли ёки яширин қисмлар хусусидаги талқинлари ичидадир.

Роҳнинг аниқлик киритишича, тасвирий санъатдаги соҳир реализмнинг бошқа хил муҳим жиҳатлари қўйидагилардан иборат:

Фантастик обьектга қарама-қарши равища кундалик обьектга қайтиш;

Объектни қисқартиришнинг экспрессионистик тамойилларига терс тарзда ҳаракатни масофани ҳис этиш билан олдинга қўйиш;

Ҳатто йирик манзараларда, чунончи, улкан ландшафтлар тасвирида ҳам ўта майда деталлардан фойдаланиш.

Олмон санъатшуноси бу атамани очиқдан-очиқ сехрли тусга эга ташқи тилсимларга тақамасдан, “ички” сирларни фош этиш асносида ашаддий реализмни кундалик ҳаёт предмет тавсифига қўшувчи тасвирий санъат услугуга нисбатан қўлланган. Бу тариқа кундалик реалликнинг ўзига хослиги шундаки, Роҳ уни қўйидагича тушунтирган:

“Бизга дунёвийлик тантана қилувчи шу дунёга бошдан-оёқ асосланган янги услубни таклиф этишиди. Объектларнинг ушбу янги дунёси реализмнинг замонавий гояларига ҳали-ҳамон бегона. У теран фикрлар билан барча нарсаларни тақсимлаб

¹ Roh F. Realismo magico. Poseexpressionismo. – Madrid. 1927. – p. 403.; <http://ru.knowledgr.com/00921852>/ Франц Роҳ; Павлова Н. Экспрессионизм. “Интеллектуальный роман” // Зарубежная литература XX века. Учебник. Под ред. Л.Г.Андреева и А.В.Карельского. – М., 1996. – С. 188-223.; <http://wiki-org.ru/wiki/Pox>, Франц

² <http://www.hisour.com/ru/magic-realism-arts-21418/>

³ <http://evg-crystal.ru/kartiny-magicheskij-realizm.html>

⁴ <http://www.hisour.com/ru/magic-realism-arts-21418/>

ташилайдиган ҳамда тилсимотни очадиган, оддий ва ижод қилинган нарсаларнинг хавфдан холи осудалигига ҳамиша дахл этадиган турли-туман услублардан фойдаланади... бизнинг нигоҳимиз қаршиисида интуитив тарзда воқеланганд бу масала фактлар, фигуранинг интеръери, ташки дунё масаласидир”.

Фантастик нарсаларга эмас, балки одатий предметларга қайтиш учун шу йўсин соҳир реализмнинг бош тамойилларидан бири бўлиб қолди. Олдинга ҳаракатни масофани ҳис этиш билан ўзаро чоғиштириш, экспрессионизм тамойилларидан фарқли ўлароқ предметни аввалдан пайкаш ҳам унинг муҳим хусусиятлари сирасидандир. Бунда ҳатто йирик манзаралардан иборат қўламдор суратларда ҳам жажжи деталлардан фойдаланилиши эътиборни тортади.

Тез орада “сехрли реализм” атамасининг маъно кўлами ортди. Энди у факатгина немис рассомчилигидаги постэкспрессионизм оқимини англатувчи истилоҳ бўлибгина қолмай, санъатнинг бошқа турларига ҳам кириб борди. 1927 йилдаёқ итальян адаби ва адабиётшуноси Массимо Бонтемпелли (1878-1960) “магик реализм”ни бадиий адабиёт намуналарига нисбатан қўллай бошланган бўлса⁶, Акира Куросава, Эмир Кустурица сингари машҳур режиссёрлар “Тушлар”, “Аризона орзуси” каби фильмлари билан унинг кинематография соҳасидаги ривожига катта ҳисса қўшдилар.

Рус адабиётида магик реализм унсурлари XIX асрдаёқ Николай Гоголь ва Фёдор Достоевкий асарларида кўзга ташланган бўлса, XX асрда Михайл Булгаков услубида бутунлай янгиланган, ғоявий-рамзий мазмун билан тўйинган ҳолда юз кўрсатди. Бу жиҳатдан Булгаковнинг “Итюрак”, “Касофат тухумлар” ва албатта, “Уста ва Маргарита”дек дурдона асарлари алоҳида эътибор ва эътирофга лойиқ бўлиб, жаҳон адабиётшунослигига соҳир реализм бўйича тадқиқотлар учун бебаҳо манба саналади.

Ўтган асрда туркий адабиётнинг оламшумул вакили Чингиз Айтматов ҳам қадимий мифларни замонавий реалиялар билан уйғунлаштирган ҳолда жаҳон китобхонлари эътиборини қозонди.

XX асрнинг сўнги чорагидан бошлаб собиқ шўро республикалари қаторида Ўзбекистонда ҳам миллий уйғониш тўлқини аста-секин ҳаракатга кела бошлади. Шу даврда жаҳон мамлакатлари ва халқлари ҳаётининг ҳамма жабҳаларини билишга қизиқишининг кучайиши ҳам миллий уйғонишнинг бир шакли ўлароқ идрок этилмоғи лозим. Жумладан, ўзбек адиллари дикқати ҳам замонавий жаҳон адабиётига кенгроқ қаратилди. Худди ана шу воқеликлар ичидаги адабиёт ва адабиётшуносликка герменевтика, психоанализ, структурализм, онг оқими, онг ости каби турли-туман тушунча ва ҳодисалар ичидаги магик реализм ҳам кириб келди. Ушбу соҳалараро

⁵ Гутнин А. Магический реализм в контексте литературы и искусства XX века (Феномен и некоторые пути его осмысления) – М.; 1998. – С. 5-14.; <http://www.hisour.com/ru/magic-realism-2865/>

⁶ Гутнин А. Магический реализм в контексте литературы и искусства XX века (Феномен и некоторые пути его осмысления) – М.; 1998. – С. 5-14.; Гутнин А. Магический реализм в контексте литературы и искусства XX века (Феномен и некоторые пути его осмысления) – М.; 1998. – С. 25-29.; Amoroso G. Il Realismo Magico di Bontempelli. – Messina, 1964. – р. 247

алоқадорлик адабиётшунослиқда янги бир ижодий методнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Магик реализм Европа адабиётида ҳам муайян ютуқларни қўлга киритди. Сербиялик ёзувчи милорад Павичнинг “Хазар луғати” (1984 йил), “Чой билан чизилган манзара” (1988 йил), “Константинополдаги сўнги муҳаббат” (1994 йил) каби романларини мисол келтириш мумкин.

Умуман олганда, магик реализм жаҳон адабиётида XX асртагача унсур сифатида мавжуд бўлган бўлса, ўтган асрда тўлақонли ижодий услугуб сифатида шаклланди. Магик реализм ижодий услугуб сифатида мавхум фантастик унсурларнинг мавжудлиги, реал ҳаёт манзараларининг сехр-жоду билан аралаш кечиши ва бунинг асар қаҳрамонлари томонидан табиий қабул қилиниши, рамзларнинг қуюклиги, вақтнинг қисқариб-чўзилиши ва даврийлиги ёхуд ҳис этилмаслиги (“йўқолиб қолиши”), сабаб ва оқибат силсилавийлигини ноизчиллиги (масалан, қаҳрамон фожиага қадар изтироб чекиши мумкин), ҳозирги замоннинг ўтмишини эслатиши ёки такрорлаши, фольклор ва афсона унсурларининг мавжудлиги, воқеликнинг турли нуқтаи назарлардан идрок этилиши (ҳикоячининг алмашиниб туриши) кабилар билан характерланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Гутнин А. Магический реализм в контексте литературы и искусства XX века (Феномен и некоторые пути его осмысления) – М.; 1998.
2. Франц Рох; Павлова Н. Экспрессионизм. “Интеллектуальный роман” // Зарубежная литература XX века. Учебник. Под ред. Л.Г.Андреева и А.В.Карельского. - М., 1996.
3. <http://www.hisour.com/ru/magic-realism-arts-21418/>
4. <http://evg-crystal.ru/kartiny-magicheskij-realizm.html>